# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 13 октябрь, № 202 (6637) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

# АХБОРОТ

**2016 йил 12 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев раислигида Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда келгуси йилнинг энг муҳим молиявий-иқтисодий ҳужжатлари бўлган — 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозлари, солиқ ва бюджет сиёсати концепциялари, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳамда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳалари ҳар томонлама муҳокама қилинди ҳамда қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.**

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган, жорий йилда макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлашни, шунингдек, Давлат бюджетининг асосий параметрлари бажарилишини таъминлаган 2016 йилги ва келгуси йиллар учун иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича кўрилаётган тизимли чора-тадбирлар чуқур таҳлил қилинди.

Мажлис давомида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган 2017 йилги макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози бўйича таклифлар муҳокама қилинди ва қўллаб-қувватланди. Уларда ялпи ички маҳсулотни, инвестициялар, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш ҳажмларининг жадал ўсиш суръатларини ҳамда нархларнинг умумий даражаси ўсишини сақлаш ҳисобига макроиқтисодий барқарорликка эришиш назарда тутилган.

Мажлисда 2017 йилда солиқ ва бюджет сиёсатини янада такомиллаштириш бўйича солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришни, маҳаллий бюджетларнинг ва мақсадли бюджетдан ташқари фондларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашни, шунингдек, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини молиялаштиришнинг устуворлиги сақланишини назарда тутувчи таклифлар бирма-бир кўриб чиқилди.

Солиқ юкини камайтириш бўйича энг муҳим чора-тадбирлар қаторида иқтисодиёт тармоқларига солиқ юкламасини сезиларли юмшатадиган айрим солиқ имтиёзлари амал қилиш муддатини узайтириш назарда тутилган. Булар солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ҳамда сақлаб қолинадиган маблағларни ўз фаолиятини янада ривожлантириш ва модернизациялаш, ходимлар иш ҳақини ва инвесторлар даромадини оширишга йўналтириш имконини беради.

Қайд этиб ўтилдики, солиқ сиёсати концепциясида назарда тутилган рағбатлантирувчи чора-тадбирларнинг амалга оширилиши келгуси йилда мамлакат иқтисодиётига солиқ юкини янада камайтиришни таъминлайди.

Мажлисда 2017 йилги Давлат бюджети харажатларининг асосий параметрларига алоҳида эътибор қаратилди. Ишлаб чиқилган Давлат бюджети лойиҳасида ижтимоий харажатларни молиялаштиришга қарийб 60 фоиз маблағлар ажратилиши ушбу лойиҳада юқори ижтимоий йўналтирилганлик сақланиб қолгани қайд этиб ўтилди. Келгуси йилда бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендиялар миқдорларини янада ошириш, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техник базаси ҳамда жиҳозланганлигини мустаҳкамлашга оид ишларни давом эттириш назарда тутилмоқда.

Вазирликлар, идоралар ва ҳудудлар раҳбарларининг эътибори ижтимоий соҳа ҳамда инфратузилмани ривожлантиришга ажратилаётган бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланилиши юзасидан қатъий назоратни таъминлаш зарурлигига, инвестиция лойиҳаларини ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тасдиқланган дастурлардаги энг муҳим чора-тадбирларни молиялаштиришга қаратилди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимликлари раҳбарлари олдига иқтисодиётнинг барча тармоғи корхоналарининг молиявий-иқтисодий ҳолатини тизимли кўриб чиқиш ва мустаҳкамлаш, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўловлар бўйича ўз вақтида ҳисоб-китобларни таъминлаш вазифаси қўйилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимликларига янги корхоналарни ишга тушириш ва мавжуд корхоналар фаолиятини кенгайтириш, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳисобига маҳаллий бюджет даромад қисмини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни қабул қилиш юзасидан топшириқлар берилди.

Бандликни ошириш бўйича чора-тадбирларни фаол давом эттиришнинг муҳимлиги ҳамда ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, республика Ҳукумати мажлисида 2017 йилда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси параметрлари ҳар томонлама ҳамда чуқур таҳлил қилинди.

Дастур лойиҳаси республика иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларида мавжуд ресурс ҳамда захираларни тўлиқ сафарбар қилиш, жумладан, саноат, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма соҳасини модернизациялаш ҳамда ривожлантириш, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уй меҳнатининг барча шаклини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида мамлакат аҳолисининг бандлигини янада оширишни кўзда тутади.

Дастур лойиҳасининг асосий йўналишлари ва кўрсаткичларини кўриб чиқиш давомида барча даражадаги ҳокимликлар, хўжалик бошқаруви органлари, корхоналар, тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарлари олдига янги иш ўринлари ташкил этиш параметрларига эришишни сўзсиз таъминлаш, бандликни ошириш масалаларини амалда ҳал этиш ҳамда шу асосда аҳоли даромадларини, ҳаёти даражаси ва сифатини янада ошириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлисда, шунингдек, ёшларни, энг аввало, 2016/2017 ўқув йилида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Республика Ҳукумати мажлисидаги муҳокамалар натижалари бўйича, 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сиёсати концепциялари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳамда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳалари маъқулланди ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига кўриб чиқиш учун юборишга қарор қилинди.

**ЎзА.**

# Ўзбекистоннинг жаҳон пахта ва тўқимачилик бозоридаги мавқеи мустаҳкамланмоқда

Кеча Тошкент шаҳрида XII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ўз ишини бошлади.



Жаҳон пахта бозорида савдо-сотиқ фаоллашган айни пайтда шу соҳа бўйича дунёда таниқли мутахассислар, олимлар, йирик компаниялар вакиллари ва трейдерлар пойтахтимизда жам бўлди. Зеро, Ўзбекистон унинг асосий иштирокчиларидан бири сифатида тан олинган бўлиб, бугунги кунда пахта етиштириш бўйича олтинчи, унинг толасини экспорт қилиш борасида эса АҚШ, Ҳиндистон, Австралия ва Бразилиядан сўнг бешинчи ўринни эгаллаб турибди. Бу толамизнинг сифат кўрсаткичлари юқорилиги, саноатбоплиги, ундан тайёрланган тўқимачилик маҳсулотларининг рақобатдошлигидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 2005 йилда мазкур саноат форумига асос солинган бўлиб, у ўтган давр мобайнида том маънода ўзбек пахта толасининг жаҳон бозорига айланиб улгурди.

(Давоми 3-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

*2016 йил 12 октябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.*



Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Н. Йўлдошев бошқарди.

Сенаторлар ўз ишини Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 23-бандига мувофиқ парламентнинг юқори палатасига киритилган **“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”**ги масалани кўриб чиқишдан бошладилар.

Мажлис иштирокчилари таъкидлаганларидек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши давлатимиз инсонпарварлигининг, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланишининг, олиб борилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ҳамда социал-иқтисодий ислоҳотлар унинг мазмун-моҳиятини акс эттиришининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Амнистия актининг айрим тоифадаги шахсларга нисбатан қўлланилиши катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамият касб этади, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштиришга қаратилган стратегик йўлнинг давоми саналади.

(Давоми 2-бетда).

**САЙЛОВ — 2016**

*Аввал хабар қилинганидек, Марказий сайлов комиссияси таклифига биноан, шу йилнинг 11 октябридан мамлакатимизда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси сайлов департаменти раҳбари Александр Шлик бошчилигидаги Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси иш олиб бормоқда.*

## Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси ўз ишини давом эттирмоқда

Миссия экспертлари айни кунларда вазирлик ва идоралар, сиёсий партиялар, давлат ҳамда жамоат ташкилотларида миллий қонунчиликни, сайловолди жараёнининг умумэътироф этилган халқаро норма ва стандартларга мувофиқлигини ўрганиш мақсадида учрашувлар ўтказаяпти. Миссия фаолияти натижалари асосида ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг сайловни кузатиш бўйича миссияси шакли ҳамда унинг фаолияти йўналишлари белгилаб бериладиган хулоса тайёрланади.

Кеча Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси вакиллари Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Адлия вазирлиги масъул ходимлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) билан учрашди, шунингдек, Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясида бўлишди.

(Давоми 4-бетда).

*Истиқлол йилларида Ўзбекистон хотин-қизлари жамиятимизнинг фаол қатламига айланди. Бугун илмий-тадқиқот, тиббиёт ва таълим муассасалари, саноат корхоналари, фермер хўжаликлари, кичик бизнес субъектлари, қўйингки, барча соҳада раҳбар аёллар сафи тобора кенгайиб бораётир.*

## Хотин-қизлар фаоллиги — жамият ривожининг муҳим омили

Опа-сингилларимиз нафақат иш фаолияти, балки жамоатчилик юмушларида ҳам илғор ва ташаббускор. Уларнинг фуқаролик жамиятлари институтлари — нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги роли ҳамда ҳиссаси ҳам тобора ошмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни қизғин паллага кирган айни кунларда аёлларнинг ўз фикрларини эркин ифода этиши ҳам долзарб аҳамиятга эга.

(Давоми 4-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

**ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Қуйидаги маҳкумлар:

а) аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) 60 ёшдан ошган эркаклар;

г) чет давлатлар фуқаролари;

д) Амнистия тўғрисидаги Қарор кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда I ёки II гуруҳ ногиронлари, шунингдек сил касаллигининг фаол шаклига чалинган (диспансер ҳисобида 1 ва 2 гуруҳ) деб эътироф этилган шахслар жазодан озод қилинсин.

Ушбу банднинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167 ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисми “д” бандида назарда тутилган, шунингдек ўта оғир жиноятни содир этган шахсларга;

тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни қасддан содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

Ушбу банднинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167 ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга;

тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

3. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар жазодан озод қилинсин.

Ушбу банднинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167 ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддасида, 104-моддаси учинчи қисми “д” бандида назарда тутилган жиноятни содир этган шахсларга;

тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

4. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Мазкур Қарорнинг 1-бандида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.

Ушбу банднинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167 ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисми “д” бандида назарда тутилган, шунингдек ўта оғир жиноятни содир этган шахсларга;

тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

6. Ушбу Қарор асосида озод қилинмайдиган шахсларнинг:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати – учдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилсин.

Ушбу банднинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахсларга;

тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

7. Ушбу Қарорнинг амал қилиши – узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган; афв этиш ёки амнистия тартибида илгари жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога алмаштирилган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

8. Ушбу Қарорга мувофиқ асосий жазодан озод этилган маҳкумлар қўшимча жазолардан озод қилинмайди.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қўмита ва комиссиялари ушбу Қарорнинг қўлланилиши тартиб-таомилларининг очиқ-ошкора амалга оширилишини таъминлаш устидан бевосита сенаторлар, депутатлар, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари иштирокида таъсирчан парламент ва жамоатчилик назоратини ташкил этсин.

10. Ушбу Қарор амалга оширилиши учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 12 октябрь

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорда аёлларни, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни, 60 ёшдан ошган эркакларни, чет давлатлар фуқароларини, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда I ёки II гуруҳ ногиронлари деб топилган шахсларни, бошқа тоифадаги қатор фуқароларни (айрим чекловларни ҳисобга олган ҳолда) жазодан озод этиш назарда тутилган. Шунингдек, амнистия тўғрисидаги қарор татбиқ этилмайдиган шахслар тоифалари ҳам белгиланган.

Сенат қарори қўлланилиши тартиби белгиланиб, унда амнистия ҳужжати бўйича жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод этилиши лозим бўлган шахсларга нисбатан ишлар ҳамда материалларни судда кўриб чиқиш тартиб-таомили белгилаб берилмоқда.

Бунда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари депутатлари амнистия тўғрисидаги қарорнинг қўлланилиши, шунингдек, қарорни ижро этиш тартиб-таомиллари очиқ-ошкоралигининг таъминланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда фаол иштирок этиши назарда тутилмоқда.

Муайян тоифадаги шахсларни жавобгарликдан ёки жазодан нафақат озод қилишни, балки уларни даволашни, ишга жойлаштиришни, шунингдек, жазодан озод этилаётган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ҳаётга мослаштиришни белгилаб берувчи бир қатор тадбирлар назарда тутилган.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан таклиф этилган “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурини ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган **“Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Ушбу қонун аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг умумий талаблари ва асосий йўналишларини аниқлаб олиш, шунингдек, давлат ташкилотлари, нодавлат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг ушбу соҳадаги роли ва жавобгарлигини ошириш мақсадида қабул қилинганлиги таъкидланди. Ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёни устидан мониторинг юритиш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари назарда тутилмоқда.

Қонун аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар сифати, даражаси ва самарадорлигини оширишга, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга доир кафолатларни мустаҳкамлаб қўйган яхлит ҳужжатдир.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда ижтимоий хизматлар кўрсатиш самарадорлигини ошириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари аниқ белгилаб қўйилган, ижтимоий хизматларга муҳтож аҳоли тоифалари аниқлаб берилган, уларни аниқлаш мезонлари ва тартиби белгиланган.

Қонунда, айниқса, таълим, ишга жойлаштириш ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ижтимоий хизматлар кўрсатиш шакллари ҳамда турлари муҳим ўрин эгаллайди, ушбу соҳадаги идоралараро ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик масалалари тартибга солинмоқда.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонун ҳужжатларини инобатга олган ҳолда аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларга хизматлар кўрсатиш борасидаги ваколатли органлар ва ташкилотларнинг, шу жумладан, фуқаролик жамияти институтларининг, тадбиркорлик субъектларининг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари аниқ белгилаб берилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонун нормаларининг рўёбга чиқарилиши ижтимоий ҳимоя қилиш тизими жамоатчилик назорати учун очиқ бўлишини таъминлайди, нафақат аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёнини тартибга солишга, балки фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини янада яхшилашга, кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифати ва самарадорлигини оширишга, мамлакатда амалга оширилаётган кўламдор кучли ижтимоий сиёсат давом эттирилишини таъминлашга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган ва парламентга киритилган **“Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”**ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Амалдаги Қонунга киритилиши назарда тутилган ўзгартиш ва қўшимчалар касаба уюшмалари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга, Қонуннинг амалда қўлланиш амалиётини таҳлил қилиш натижасида аниқланган эскирган нормалар, қоидалар ва нуқсонларни бартараф этишга, фойдаланилаётган тушунчалар ва атамаларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлашга, Қонуннинг айрим нормаларини янги қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштиришга қаратилганлиги қайд этилди. Ҳозирги замон талабларини инобатга олган ҳолда, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлар ишлайдиган жойларда, шунингдек, тармоқлар ва ҳудудлар даражасида касаба уюшмалари ташкилотларини тузиш ва фаолиятини таъминлаш тартиби белгиланди. Касаба уюшмалари органларининг сайлаб қўйиладиган лавозимларига сайланиши муносабати билан ишдан озод этилган ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя қилиш кафолатлари кучайтирилди. Ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг ролини оширишга қаратилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий механизмлар мустаҳкамланди.

Олий Мажлис Сенати аъзоларининг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий-меҳнат соҳасида касаба уюшмалари фаолияти эркинлигининг кафолатланишини таъминлашга хизмат қилади, ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилашга, ижтимоий-меҳнат соҳасида қонунийликни таъминлашга ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Ушбу қонунга мувофиқ, бир қатор қонун ҳужжатларига ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларида амал қилиб турган қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 февралда қабул қилинган “Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Меҳнат вазирлигига ўзгартирилди, унинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари белгилаб берилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқармалари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари зиммаларига ногиронлар, шу жумладан, ногирон болалар, уруш қатнашчилари, фахрийлар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа заиф қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам бериш, имкониятлари чекланган шахсларнинг касбга ўқитилишини ташкил этиш ва инклюзив касбга ўқитишни ривожлантириш, Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари зиммаларига муҳтож оилаларга ҳамда фуқароларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинланиши ҳамда тўланиши устидан мониторинг олиб бориш вазифалари юклатилди. Шунингдек, ногиронлар ва кексалар учун мўлжалланган Мурувват ҳамда Саховат уй-интернатлари, Ногиронлар учун реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, ногиронлар учун минтақавий реабилитация марказлари, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийлар ҳамда пансионатлар, шунингдек, қатор таълим муассасалари Меҳнат вазирлиги тасарруфидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфига ўтказилди.

Қайд этилган Фармон талабларидан келиб чиқиб, қонунда бир қатор қонун ҳужжатларига, жумладан, “Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”-ги, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонунларга, шунингдек, Солиқ кодексига ҳамда Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Парламент юқори палатаси вакиллари таъкидлаганларидек, киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа заиф қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам беришга, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини оширишга, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини юксалтиришга кўмаклашади.

“Ветеринария тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига, хусусан, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги, “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги қонунларга, шунингдек, Жиноят кодексига, Солиқ кодексига, Бюджет кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар ветеринария тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ҳамда ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларидаги номувофиқликларни бартараф этишга, қонун ҳужжатлари нормаларидаги атамалар ва тушунчаларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлашга хизмат қилади.

Жиноятлар таҳлилини, динамикасини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳисобга олган ҳолда, Жиноят кодексига фирибгарлик ва транспорт воситасини олиб қочганлик учун жавобгарликни янада кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар киритилди.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу тузатишлар жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга, жазолашда адолат принципини таъминлашга, шунингдек, ушбу соҳаларда жиноят содир этилишига қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

Шунингдек, Жиноят кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга бюджет ҳамда смета-штат интизоми соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни таснифлашда ҳуқуқни қўллаш амалиётида мавжуд бўлган номувофиқликларнинг бартараф этилишини ва бир хилда талқин этилишини таъминлашга, шунингдек, Бюджет кодексидаги айрим нормаларнинг ва жиноят тўғрисидаги ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг мазмунидаги тафовутларни бартараф этишга қаратилган ўзгартишлар киритилмоқда.

Ушбу ўзгартишлар ҳам бюджет ва смета-штат интизомини бузганлик учун жавобгарликни янада эркинлаштиришга ва мақбуллаштиришга қаратилган. Жумладан, шу соҳада фақат кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда содир этилган қилмишлар жиноий жавобгарликка, унча кўп бўлмаган миқдорда ёки анча миқдорда содир этилган қилмишлар маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Сенаторлар ушбу ўзгартишларнинг киритилиши бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни янада мақбуллаштиришга ва бюджет интизомини мустаҳкамлашга хизмат қилишини қайд этдилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар **“Халқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сонли Конвенциясини ратификация қилиш ҳақида”**ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Конвенция Халқаро меҳнат ташкилотининг 1948 йилги Бош Конференциясида қабул қилинган бўлиб, унда ходимлар ва иш берувчиларнинг ташкилотлар тузиш, шунингдек, бундай ташкилотларга аъзо бўлиш ҳуқуқи назарда тутилган. Конвенцияда ушбу ташкилотларнинг ўз уставлари ва маъмурий регламентларини ишлаб чиқиш, ўз фаолиятини ташкил этиш, ҳаракат дастурини тасдиқлаш ҳамда рўёбга чиқариш ҳуқуқлари назарда тутилмоқда. Бирлашиш ҳуқуқини чекловчи ёки унинг қонунчилик йўли билан амалга оширилишига тўсқинлик қилувчи давлат органлари аралашувидан холи бўлиш кўзда тутилмоқда, ходимлар ва иш берувчиларнинг бирлашиш бўйича ўз ҳуқуқини эркин амалга оширишини кафолатловчи чора-тадбирлар ҳамда бошқа ҳуқуқлар қайд этилмоқда.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ушбу Конвенция қоидаларига тўлиқ мувофиқ келишини таъкидладилар. Хусусан, фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқларининг конституциявий кафолатлари белгиланган бўлиб, бундай кафолатлар Ўзбекистон Республикасининг 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатида, шу жумладан, “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”-ги Қонунда ва Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳозирги вақтда 14 та тармоқ, 14 та ҳудудий ва 37 мингдан ортиқ бирламчи касаба уюшмаси ташкилотини бирлаштирувчи Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси 6,3 миллиондан зиёд ходимнинг манфаатларини ифодалайди.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу Конвенциянинг ратификация қилиниши ҳар бир кишининг ўзгалар билан эркин уюшма тузиш ҳуқуқини, шу жумладан, касаба уюшмаларини тузиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига аъзо бўлиш ҳуқуқини кафолатловчи 1948 йилги Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари декларациясида акс этган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумэътироф этилган нормаларига Ўзбекистон содиқ эканлигининг исботи бўлади, шунингдек, халқаро ташкилотлар, энг аввало, Халқаро меҳнат ташкилоти билан конструктив муносабатларни ривожлантиришда муҳим омил бўлади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди таркибларига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Барча кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сенатнинг ялпи мажлиси давомида демократик ислоҳотларни босқичма-босқич чуқурлаштиришга ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган 10 та масала, шу жумладан, 4 та Қонун кўриб чиқилди. Уларнинг амалга оширилиши аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, мамлакатда барқарорлик ва фаровонликни мустаҳкамлаш учун кучли омил бўлиб хизмат қилади.

Шуниг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Шахноза Музафаровна **Ахатова** ва Наргиза Билимлиевна **Махкамова** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси** **Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 12 октябрь

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Дилшод Уринбаевич **Арипов**, Қобилжон Худойбердиевич **Комилов** ва Нодир Мухаммадиевич **Худояров** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьялари этиб сайлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси** **Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 12 октябрь

# Бағрикенглик ва инсонпарварликнинг

*Кеча Тошкентда ўтказилган Сенатнинг еттинчи ялпи мажлисида юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, халқимизнинг тинч, осойишта ҳаёти янада фаровон бўлишига хизмат қиладиган қонунлар маъқулланди, тегишли қарорлар қабул қилинди. Мухбиримиз кўрилган масалаларнинг мазмун-моҳияти хусусида сенаторлар, ялпи мажлис қатнашчиларининг фикрлари билан қизикди.*

## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

**Толибжон МАДУМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:**

— Инсонпарварлик, кечиримлилик ота-боболаримиздан мерос бўлиб, асрлар оша давом этиб келаётган миллий қадриятларимиздан бири саналади. Айни шу нуқтаи назардан ёндашган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев тақдимномасига кўра, Олий Мажлис Сенатининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Бу эса, юртимизда узлуксиз амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари моҳиятига кўра, инсонни жазолаш эмас, балки жиноят йўлига кирган шахснинг ҳар қандай қилмиш учун жазонинг муқаррарлигини англаб етишига эришиш зарур, деган ғоянинг ҳаётийлигини яна бир карра тасдиқлайди. Энг муҳими, ҳужжат билиб-билмай эгри йўлга кирган, адашган инсонларга яна бир имконият бериш, жиноятчилик кўчасига кириб қолган ўз ота-онасининг, фарзандининг, яқин кишисининг афв этилиши юртимизда амалга оширилаётган бағрикенглик сиёсатининг тимсоли, деб билади ва бу инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир. Пировардида, одамлар қалбида озодлик учун шукроналик ҳисси кучаяди, улардаги мустақилликни мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўшиш нияти ҳаёт мазмунига айланади.

Амнистия тўғрисидаги қарорнинг 1-бандига асосан, аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет давлат фуқаролари, шунингдек, мазкур қарор кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда I ёки II гуруҳ ногиронлари, сил касаллигининг фаол шаклига чалинганлар назарда тутилган тегишли чеклашларни ҳисобга олган ҳолда жазодан озод этилмоқда.

Амнистия тўғрисидаги ушбу Қарорнинг қабул қилиниши маълум бир тоифадаги шахсларнинг қисматини енгиллаштиради, тарбиявий ишлар самарадорлигини оширади, кишиларни тўғри йўлга ундайди. Жамиятимизда адолат ва яхшилик барқарор эканлигига ишонч ҳиссини янада мустаҳкамлайди, асосийси, кўплаб хонадонларга бениҳоя қувонч бахшида этиши шубҳасиздир.

**Қобул ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси:**

— Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Шу муносабат билан, жиноят қонунчилигимиз либераллаштирилиб, жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазо қўллашда, аввало, уларни тарбиялаш, ҳаётда адашганларни тўғри йўлга бошлаб, жамиятда ўз ўринларини топиши учун яна бир бор имкон беришдек эзгу мақсадлар мужассам. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи тақдимномаси асосида қабул қилинган амнистия акти бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми, десак, муболаға бўлмайди. Бу, биринчи навбатда, давлатимиз сиёсатида инсонпарварлик, кечиримлилик, бағрикенглик тамойиллари устувор эканлигини кўрсатади.

Айни пайтда жавобгарликдан ва жазодан озод қилинган шахслар давлатимизнинг инсонпарвар сиёсатини тўғри англаши, ортиқ жиноят йўлига кирмаслиги учун зарур чора-тадбирларни амалга ошириш жиддий ёндашувни талаб этади.

**Тожибар ЙЎЛДОШЕВА, Андижон вилояти, Хўжаобод туманидаги “Шаҳрихонсой” шаҳарча фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, сенатор:**

— Амнистиянинг моҳиятида халқимизнинг азал-азалдан қон-қонига сингиб кетган инсонпарварлик, кечиримлилик каби тушунчалар мужассам. Унга кўра, аҳолининг алоҳида эътиборга, ҳимояга муҳтож қатлами — аёллар, вояга етмаганлар, кексалар, биринчи марта жиноят содир этган шахслар жазодан озод қилиниб келинаётганлигида буни яққол кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев тақдимномасига кўра қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарорга биноан бир қатор тоифадаги шахслар жавобгарлик ва жазодан озод қилинаяпти.

Ишонамизки, амнистия акти туфайли жазодан озод қилинган ҳамюртларимиз ўз қилмишларидан тўғри хулоса чиқариб, давлатимиз бағрикенглигига ўзининг меҳнати, жамият ҳаётидаги фаоллиги билан жавоб беради, атрофдагиларга наф келтирадиган юмуш билан банд бўлади.

Ушбу эзгу амалларни рўёбга чиқариш, шу жумладан, мазкур амнистиянинг ижроси учун биз, сенаторлар ташаббускор бўлишимиз талаб этилади. Жойларда давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, маҳалла фаоллари билан аҳоли кенг қатламига мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини тўғри етказишда, чуқур тушунтиришда фаоллик кўрсатишимиз, амнистия акти ижроси устидан жамоатчилик назорати институти самарадорлигини оширишимиз зарур.

**Гулнора МАРУФОВА, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари:**

— Азалдан халқимиз аёлга муҳтарама зот сифатида ҳурмат, эҳтиром кўрсатиб келади. Бугун биз аёллари улуғланган инсонпарвар юртда яшаяпмиз. Маълумки, оилада аёлнинг ўрнини ҳеч ким боса

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ПАХТА ВА ТЎҚИМАЧИЛИК БОЗОРИДАГИ МАВҚЕИ ТОБОРА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ярмарка Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг энг муҳим тадбирлари реестрига киритилгани, унда иштирок этаётган давлатлар географияси ҳам, ташриф буюраётган бизнес тузилмалари вакиллари сони ҳам муттасил ошиб бораётгани шундай дейишимизга асос бўла олади.

Дарҳақиқат, илк анжуманда 30 давлатдан 170 компания ва фирма вакиллари ташриф буюрган бўлса, бу йилгисида 40 дан зиёд мамлакатларнинг 1500 дан ортиқ компаниялари намояндалари қатнашаяпти. Улар икки кун мобайнида ялпи мажлис ва давра суҳбатларида иштирок этиб, халқаро пахта бозорининг бугунги ҳолати ҳамда истиқболларини муҳокама қилиш асносида юртимиз иқтисодиётининг етакчи соҳаларидан бўлмиш тўқимачилик ва енгил саноат, унга хорижий инвестицияларни жалб этиш учун яратилган қулай муҳит, пахтачилик тармоғини ривожлантириш стратегияси билан яқиндан танишиш, энг асосийси, ўзбек толаси ҳамда тўқимачилик маҳсулотларини етказиб беришга оид тўғридан-тўғри савдо битимларини тузиш, биржа савдоларида қатнашиш имкониятига эга бўладилар. Айни шу жиҳатлар туфайли ярмарканинг халқаро доирадаги нуфузи йил сайин ортиб, экспертларнинг эътирофига ҳақли равишда сазовор бўлмоқда.

XII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг очилиш маросимида сўзга чиққанлар алоҳида қайд этганидек, Ўзбекистонда сифатли пахта хом ашёси етиштириш, уни чуқур қайта ишлаш ҳамда етказиб бериш бўйича пухта тизим яратилган.

— Юртингизда қишлоқ хўжалиги ислоҳ қилиниб, пахтачилик тармоғига замонавий корпоратив бошқарув усуллари жорий этилаётгани унинг жаҳон бозоридаги мавқеи тобора мустаҳкамланишида муҳим омил бўлаяпти, — дейди "Cotton Outlook" халқаро ахборот агентлигининг бошқарувчи директори Р. Батлер. — Агентлигимиз томонидан ўтказилган таҳлилларга қараганда, мана, олтинчи йилдирки, ўзбек толасига бўлган талабнинг юқори кўрсаткичлари сақланиб турибди. Бундай ижобий натижага эришишнинг кўплаб омиллари бор, албатта. Ғўзанинг янги навларини яратиш, сув тежовчи технологияларни қўллаш, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш чора-тадбирларининг 90 фоизи биологик усулда олиб борилиши шулар жумласидандир.

Чиндан ҳам, истиқлол йилларида мамлакатимизда ғўза уруғчилигини ривожлантиришга ютуқларнинг бош омили сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аввало, "Уруғчилик тўғрисида"ги ва "Селекция ютуқлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек, кўплаб меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, соҳанинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилгани, селекционер олимларнинг заҳматли меҳнати муносиб рағбатлантирилаётгани ўз самарасини бераётир. Мустақил тараққиётимиз даврида ғўзанинг 110 дан зиёд янги нави яратилгани, улардан 30 таси Давлат реестрига киритилгани бунинг яққол далилидир.

Бугунги кунда юртимизнинг асосий майдонларида, таъбир жоиз бўлса, ўзбек пахтасининг эталонига айланган "Порлоқ", "Дўстлик-2", "Бухоро-6", "Бухоро-8", "Бухоро-102", "Омад" каби ғўза навларининг уруғи экилмоқда. Улар ҳосилдор, эртапишар, саноатбоп эканлиги, энг муҳими, дунё бозорида харидоргир тола бериши билан алоҳида ажралиб туради.

— Кейинги йилларда пахта толасига бўлган талаб ўзгариб турибди, — дейди Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси директори А. Гитчунс. — Бу ҳолат унинг ўрнини босувчи хом ашё, яъни кимёвий тола ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортиб бораётгани билан ҳам боғлиқ. Ушбу йўналишда ҳозирги пайтда Хитой ва Ҳиндистон давлатлари етакчилик қилаётир. Сунъий толанинг баҳоси эса пахта толасиникига қараганда 50 фоиз арзонлиги унинг рақобатга кириша олишида муҳим аҳамият касб этаяпти. Шундай бўлсада, пахта толаси, айниқса, Ўзбекистон маҳсулотига талаб катта. Чунки бу ерда етиштирилган пахтанинг сифат кўрсаткичлари юқори. Қолаверса, оқилона экспорт сиёсати юритилаётгани туфайли харидорлар кўпайиб бормоқда.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон толаси экспорт ҳажми ошиши, ҳамкорлар сафи кенгайишида ўтган йили ташкил этилган "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси муҳим роль ўйнаяпти. Зеро, мазкур янги тузилма зиммасига замонавий корпоратив бошқарув усулларини қўллаган ҳолда, пахта хом ашёсини қабул қилиш ва қайта ишлаш, толани жаҳон бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда, экспортга йўналтириш бўйича ягона тизим яратиш вазифаси юклатилган. Шунингдек, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ҳисобига пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналарини модернизациялаш, техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш ишларини кенгайтириш ҳам компания фаолиятининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Шу маънода, мазкур тизимда изчил олиб борилаётган ислоҳотлар ҳозирданоқ ўз натижасини кўрсатаётгани қувонарлидир. Гап шундаки, республикамизда мавжуд 98 та пахта тозалаш корхонаси босқичма-босқич равишда модернизация қилинаётгани боис хом ашёни бирламчи қайта ишлашда унинг тозалигига эришилиб, халқаро стандарт талабларига мос келадиган қадоқлаш жараёнидан фойдаланилмоқда. Яъни тойлар ПЭТ-лента, полиэтиленли ва юмшоқ трикотаж контейнерлар ёрдамида ўралаяпти.

Албатта, мамлакатимизда нафақат пахтачилик тармоғи, балки у билан боғлиқ бўлган бошқа соҳаларда рўй бераётган туб ўзгаришлар замирида деҳқон ва фермерларимиз томонидан етиштирилган хом ашёни ўзимизда чуқур қайта ишлаш ҳажмини босқичма-босқич ошириб боришдек эзгу мақсад мужассамдир. Ана шу тамойил асосида иш юритилиб, ҳар йили ўнлаб замонавий қувватлар фойдаланишга топширилаяпти. Пировардида бугунги кунда республикамизда рўйхатга олинган енгил саноат корхоналари сони 3000 тадан ошди. Шундан қарийб 400 таси "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти таркибида бўлиб, юртимизда ишлаб чиқарилаётган енгил саноат маҳсулотларининг 80 фоизи уларнинг улушига тўғри келаяпти. Бошқача айтганда, мустақиллик йилларида умумий қиймати 31 триллион сўмликдан зиёд саноат маҳсулотлари, 13 триллион сўмликдан ортиқ халқ истеъмол товарлари тайёрланиб, ички ва ташқи бозорлардаги буюртмачиларга етказиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2015 йил 4 мартдаги "2015 — 2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармони, айниқса, соҳа истиқболида янги босқични бошлаб берди. Ушбу ҳужжатга асосан, биргина ўтган йилнинг ўзида қиймати 170 миллион АҚШ долларидан кўпроқ бўлган 33 та корхона фойдаланишга топширилди. Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида эса яна 11 янги субъект ишга туширилди. Айни пайтда улар мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишда муҳим роль ўйнаётир.

Эътибор беринг, истиқлолимизнинг дастлабки йилларида ташқи бозорларга 7 миллион долларлик тўқимачилик ва трикотаж маҳсулотлари чиқарилган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 1 миллиард доллардан ортди. Табиийлиги, юқори сифати билан харидорлар ишончини оқлаган қўшимча қийматга эга товарларимиз МДҲ ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатлари, Лотин Америкаси, АҚШ, Жанубий Корея, Хитой, Сингапур, Исроил, Покистон, Грузия, Хорватия, Нигерия каби 50 дан зиёд давлатларга экспорт қилинаётгани Ўзбекистон маҳсулотлари дунё бозорини эгаллаётганининг ёрқин исботидир.

Ялпи мажлисларда сўзга чиққан Халқаро тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар федерацияси бош директори К. Шиндлер, "Spinning Committe" қўмитаси раиси Э. Макдональд ва бошқалар Ўзбекистон пахта толаси бизнесининг марказларидан бирига айланганини эътироф этган ҳолда, хорижлик ҳамкорларга яратилган шарт-шароитлар, хусусан, маҳсулотни сақлаш, логистика хизматлари кўрсатиш сифатининг юқори эканлигини алоҳида таъкидладилар.




Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

XII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси иштирокчилари куннинг иккинчи ярмида "Ўзэкспомарказ" мажмуи павильонларида намойиш этилаётган ўзбек пахта толасининг 650 дан зиёд намуналари ва кенг ассортиментдаги тўқимачилик маҳсулотлари билан яқиндан танишдилар. Чет эллик харидорларга шу ернинг ўзида танланган туркумни сотиб олиш юзасидан шартнома тузиши, маҳсулотни етказиб бериш масаласини ҳал этиши учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган.

Мутахассисларнинг айтишича, жаҳон пахта бозорида рақобатнинг тобора кучайиб бораётгани, ишлаб чиқаришга энг замонавий тўқимачилик асбоб-ускуналари ўрнатилаётгани тола сифатига бўлган талабни тубдан ўзгартирмоқда. Чет эллик ҳамкорлар ҳамда харидорларни, биринчи навбатда, толанинг истеъмол хусусиятлари нечоғли юқори эканлиги қизиқтиришининг боиси ана шунда.

Улар бу йилги пахта ҳосилидан олинган толамиз намуналари билан яқиндан танишгач, асосий кўрсаткичлар билан бирга, HVI (High Volume Instruments) тизимида аниқланган қўшимча кўрсаткичлар бўйича ҳам харидорлар талабларига мос эканлигини қайд этдилар. Бинобарин, юртимизда ишлаб чиқарилаётган тола ва момиққа оид тойма-той сифат кўрсаткичлари бўйича сўнгги тавсифлар "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази томонидан HVI 1000-M тизимлари замонавий ускуналарида аниқланганидан сўнг берилади.

"Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси, "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Республика Товар-хом ашё биржаси ва "Сифат" маркази ҳамкорлигида ташкил этилган бу йилги халқаро ярмарканинг аввалгиларидан фарқли томони шундаки, унинг доирасида турли тадбирлар, семинарлар, тақдимотлар ўтказилмоқда. Айтайлик, форумнинг биринчи кунида бўлиб ўтган соҳа мутахассислари шуъба йиғилишларида "Пахта саноатининг ривожланиши ва жаҳон бозорида ўзбек пахта толаси рақобатдошлигини ошириш истиқболлари" ҳамда "Пахта ва тўқимачилик тармоқларида илмий ва технологик янгиликлар" мавзуларида муҳокамаларга киришиб, ўзаро фикр алмашдилар.

Кўргазма залларида маҳаллий корхоналарда кейинги йилларда ишлаб чиқариш ўзлаштирилган тўқимачилик маҳсулотлари, миллий анъаналар ва илғор усуллар уйғунлигида яратилган турфа хилдаги кийим-кечаклар намойиши ҳам меҳмонлар эътиборини тортди. Бинобарин, "Ўзбекенгилсаноат" АЖ қошидаги "Шарқ либослари" дизайнерлик маркази ҳамда "Осиё рамзи" модельерлар ва дизайнерлар уюшмаси томонидан яратилган либослар намойиши шоу тусини олди. Қолаверса, "Ўзбек миллий матолари ва либослари тарихи" мавзуидаги экспозициядан жой олган коллекциялар Ўзбекистон замини қадимдан ҳунармандчилик ўчоғи бўлганини яна бир карра тасдиқлади.

XII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқулов сўзга чиқди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Сўз — ярмарка иштирокчиларига

# Ҳамкорлик учун кенг имконият

**Кристиан ШИНДЛЕР,**
**Халқаро тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар федерацияси бош директори (Швейцария):**

— Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида доимо катта мамнуният билан иштирок этаман. Сабаби, унинг доирасида нафақат мазкур соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, инновацион лойиҳалар самаралари, замонавий инфратузилма объектлари, балки юртингизнинг йилдан-йилга юксалиб бораётган ижтимоий-иқтисодий, айниқса, инвестициявий салоҳияти билан ҳам яқиндан танишамиз. Бу, албатта, хорижлик ишбилармонларнинг мамлакатингиз реал сектори, хусусан, тўқимачилик жабҳасига истиқболли сармоялар киритишга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. Ўз навбатида, ўзбек пахта толасидан тайёрланган маҳсулотлар жаҳон бозорида жуда қадрланади.

Яна шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, жорий йилги ярмарка кун тартиби жуда сермазмун тузилган. Бунинг учун ташкилотчиларга ўз миннатдорлигимни билдираман.

**Као ЮНХЕ,**
**"Qingdao Hong Xinda" компанияси раҳбари (Хитой):**

— Ўзбекистон — иқтисодиёти йилдан-йилга жадал равнақ топиб бораётган мамлакат. Халқи эса самимий ва меҳмондўст. Ярмарка доирасида пойтахтингизнинг диққатга сазовор жойларига мазмунли саёҳат уюштирилди. Истиқлол иншоотлари, қайтадан чирой очган қадимги меъморчилик обидалари, музейларга бордик. Олам-олам таассуротлар олдик.

Ўзбек пахта толасига келсак, унинг сифати аъло, дунё бозорида ниҳоятда харидоргир. Шунинг учун компаниямиз ҳар йили серқуёш диёрингизда етиштирилган "оқ олтин" хом ашёсидан ўн минг тоннадан сотиб олади. Бу йил эса ўн беш минг тонна тола харид қилишни режалаштираяпмиз. Бунинг учун барча имконият мавжуд. Кўргазма, электрон маълумотномалар, консалтинг, таржимонлар хизмати, шартномалар имзолаш учун қулай муҳит, бевосита таништирув каби қулайликлар шулар жумласидандир.

Фурсатдан фойдаланиб, ярмарка ишига каттадан-катта муваффақиятлар тилаб қоламан.

**Риккардо ЗАНОН,**
**"Studio Riccardo Zanon" компанияси раҳбари (Италия):**

— Юртингиз пахта толасининг сифати жуда юқори. Мен яқин вақт ичида Ўзбекистон пахта толаси ва ундан тайёрланган матони харид қилиб, Италиядаги тўқимачилик компанияларига сотиш бўйича бизнесни йўлга қўймоқчиман. Пахта ва тўқимачилик соҳасига ихтисослаштирилган мазкур ишбилармонлар форуми ҳақида Ўзбекистон — Италия савдо палатаси орқали хабардор бўлиб, бу ерга ўз мақсадимни рўёбга чиқариш ниятида келдим.

Энг муҳими, тадбирнинг дастлабки кунидаёқ ҳамкорлар билан музокаралар ўтказишга улгурдик.

**Лайман СТОУН,**
**Халқаро иқтисодчи, пахта бўйича эксперт (АҚШ):**

— Мутахассис сифатида дунё бўйлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, пахта етиштиришга доир таҳлилий материаллар, статистика маълумотлари ва истиқболли лойиҳалар билан танишиб бораман.

Шу билан бирга, АҚШдаги пахта етиштирувчи фермерларга амалий тавсиялар ишлаб чиқиш бизнинг асосий вазифаларимиз сирасига киради.

Юртингизда ўтказилаётган XII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида қатнашиш менга, аввало, жаҳон пахта бозорида муҳим ўринга эга бўлган мамлакатингиз қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ютуқларини ўрганиш имконини беради.

Бундан ташқари, тадбирнинг ялпи йиғилишларида "Дунё пахта сектори: талаб ва таклифдаги тенденциялар" мавзуида тақдимот ўтказмоқчимиз.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**Саиджон МАХСУМОВ,**
**Саидазиз АЪЗАМОВ ёзиб олди.**

# юксак намунаси

олмайди. Шу маънода, билиб-билмай йўл қўйган хатолари, ҳаётда адашганликлари туфайли жиноят содир этиб, жазо муддатини ўтаётган хотин-қизларимиз ортида уларнинг оиласи, фарзандлари ва яқинларининг тақдири турганини англаш қийин эмас.

Тан олиб айтиш керак, аёл кишига "жиноятчи" деган тамғани кўтаришнинг ўзи оғир. Шунинг учун тўғри йўлдан адашган хотин-қизларимизга яна бир имконият бериш, оилада ва жамият ҳаётида муносиб ўринларини топишига кўмаклашиш инсонпарварликнинг энг олий намунасидир.

Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган амнистия тўғрисидаги мазкур қарорнинг 1-бандига асосан, аёллар назарда тутилган тегишли чеклашларни ҳисобга олган ҳолда жазодан озод этилаётир.

Бу эса Хотин-қизлар қўмитаси олдига ушбу қарор ижросини таъминлаш борасида қатор чора-тадбирларни амалга ошириш вазифасини қўймоқда. Бинобарин, хотин-қизлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан боғлиқ профилактика тадбирларимиз самарадорлигини ошириш айни заруратдир.

Шу боис ҳам, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган аёллар қайта жиноят содир этмаслигини таъминлаш, уларнинг ўз оиласи, фарзандлари ва яқинлари даврасида хотиржам яшаши, ҳаётда ўз ўрнини топишига шароит яратиш мақсадида ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳар биримизнинг инсоний бурч ва вазифамиздир.

**Зафар РЎЗИЕВ,**
**"Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари:**

— Амнистия актини қабул қилиш инсонпарварликнинг юксак ифодаси саналади. Чунки айнан амнистия орқали жиноятни содир этган шахслар жазодан тўла ёки қисман озод этилади, тайинланган жазо тури енгилроғи билан алмаштирилади.

Амнистия тўғрисидаги қарор қабул қилиниши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бошқа давлат идоралари билан ҳамкорликда жазодан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий мослашуви, яъни жамиятда, маҳаллада, оилада ўз ўрнини топиши ва ҳимоясига оид самарали чора-тадбирларни амалга оширишда катта масъулият юклайди.

Ҳар бир фуқаро, албатта, қайсидир маҳаллада истиқомат қилади, шу боис маҳалла институти томонидан уларнинг жиноят йўлига қадам босишига йўл қўймаслик, турли нохушликларнинг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар кучайтирилиши зарур.

Мазкур актнинг ижро этилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташаббускорлик кўрсатиши, ҳар бир маҳаллада бевосита фуқаролар билан мулоқотда бўлиб, ушбу ҳужжат мазмун-моҳиятини тўғри етказиш ҳамда озод қилинган шахсларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувини амалда таъминлаш муҳим вазифамизга айланган.

**Зайниддин НИЗОМХЎЖАЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси:**

— Юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатлари учун йўналтирилган. "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси доирасида ишлаб чиқилган "Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳожатманд тоифаларига ижтимоий хизматлар тўғрисида"ги Қонун ҳам бу борадаги ишлар самарадорлигини янада юксалтириш, соҳанинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш ҳамда давлат ижтимоий сиёсатини бугунги кун талаблари даражасида ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Халқаро амалиётдан маълумки, ижтимоий хизматлар кўрсатиш, шу жумладан, фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун асосларни дастлабки тарзда ва комплекс баҳолаш, якка тартибдаги режани ёки ёрдам дастурини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш тартиб-таомили қонунчилик йўли билан тартибга солинади. Шу маънода, мазкур Қонун аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламларини янада кенгроқ қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий ҳимоя тизимининг янада самарали фаолият кўрсатишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Сайёра АБДИКАРИМОВА,**
**Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси:**

— Сенат ялпи мажлисида "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгартишлар ҳам маъқулланди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлашда фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган икки юздан ортиқ қонунлар ҳаётга татбиқ қилинган. 1992 йилда қабул қилинган "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун шулар жумласидандир.

Ҳозирги пайтга қадар амалда бўлиб келган мазкур ҳужжат касаба уюшмалари ҳаракатининг тадрижий ривожланишига хизмат қилди. Қолаверса, олиб борилган таҳлил ҳамда ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, ўтган даврда давлат ва жамиятимиз ҳаётида юз берган ўзгариш ҳамда янгиланишлар ушбу Қонунга ўзгартишлар киритишни тақозо этди.

Шуларни назарда тутган ҳолда ва барча соҳа ҳамда жабҳада фуқаролик жамияти институтлари роли кучайиб, давр талабларига мос миллий қонунчилик тизими изчил такомиллашиб бораётганини ҳисобга олиб, Қонунга тегишли ўзгартишлар киритилди.

Қонун ижтимоий-меҳнат соҳасида касаба уюшмалари эркинлигининг кафолатларини янада мустаҳкамлаш баробарида, мазкур институт фаолиятининг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари такомиллашувини таъминлайди. Энг муҳими, Қонун фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари кафолатини янада кучайтиришга йўналтирилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

**Шоҳида АРИПОВА,**
**Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати директори, сенатор:**

— Сенатимиз ялпи мажлисида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган, аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган долзарб масалалар кўриб чиқилди. Муҳокама қилинган ҳар бир масала халқимиз интиқлик билан кутаётган, уларнинг турмушини янада яхшилашга оид қонун ва ҳужжатлардир. Энг муҳими, улар бугун юртимизда кечаётган кенг кўламли ислоҳотлар, беқиёс ўзгаришлар билан узвий боғлиқ бўлиб, уларни янада мазмунан тўлдиради.

Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан маъқулланган қонунлар, амнистия сингари ҳужжатлар, яқинда қабул қилинган, хусусий мулк ҳимоясини янада кучайтириш, тадбиркорликни жадал ривожлантиришни янги босқичга олиб чиққан Фармоннинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, халқимизга, сайловчиларимизга, айниқса, ёшларимизга батафсил тушунтириш сенаторлар олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Чунки ушбу саъй-ҳаракатлар фуқароларимизда Ватан равнақига, юртимизда кечаётган ўзгаришларга дахлдорлик туйғусини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини юксалтиришга хизмат қилади.

Бинобарин, Фармонда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш белгиланганi тарихий аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ушбу йўналишдаги қонун ижодкорлиги самарадорлигини ошириш кафолатларини мустаҳкамлашда парламентнинг роли, аҳамияти ҳамда масъулиятини ҳам юксалтиради. Қолаверса, мазкур институт парламент назоратини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиб, олий қонунчилик органининг вазифалари кўламини кенгайтиради.

**Қобил ХИДИРОВ ёзиб олди.**

## ТАДБИР

# Ёшлар маънавияти ва масъулият

*Наманган Ёшлар маркази ташаббуси билан вилоят марказидаги 2-тиббиёт коллежида ёшларда "оммавий маданият"га қарши маънавий иммунитетни шакллантириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.*

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиялаштирилган "Оила соғлом — жамият мустаҳкам!" номли грант лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

Мулоқот чоғида ҳозирги кунда навқирон авлод тарбиясига салбий таъсир ўтказиши мумкин бўлган омиллардан бири — "оммавий маданият"нинг зарари хусусида атрофлича фикр юритилди. Маънавият тарғиботчилари, мутахассислар ёшлар онгига миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳини сингдириш орқали бу иллатнинг олдини олиш мумкинлигини алоҳида таъкидладилар.

Тадбир давомида эртамиз эгаларининг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, уларнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлашга қаратилган қизиқарли интерфаол ўйин шаклидаги чиқишлар барчада алоҳида таассурот қолдирди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари

Мамлакатимизда жамият ҳаётининг барча жабҳасини демократлаштириш жараёнида фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Бугун улар аҳолининг ишончини қозониб, кенг қўллаб-қувватланмоқда. Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, республикамизда сиёсий партияларнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди.

**4 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасида сиёсий партиялар жамоат бирлашмаси сифатида эътироф этилган бўлса, 58-моддасида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмаслиги белгиланди.

1996 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, унда сиёсий партия тушунчаси, фаолиятининг ҳуқуқий асослари, фаолият кўрсатиш принциплари, ҳуқуқлари ҳамда улар фаолиятига тегишли бўлган бошқа нормалар белгиланди. 2007 йил апрелида “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун имзоланди.

Сиёсий партиялар жамиятдаги ва сиёсий муносабатлардаги функцияларини тўла бажаришида 2004 йил 30 апрелда қабул қилинган “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонун алоҳида ўрин тутади.

Қонунда сиёсий партияларни молиялаштириш манбалари партияга кириш ва аъзолик бадаллари (агар сиёсий партия уставида бундай бадалларни тўлаш назарда тутилган бўлса), қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар, давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фуқаролари томонидан бериладиган хайрия ёрдамидан иборат бўлиши белгиланди.

Ушбу молиялаштириш манбалари орасида давлат томонидан молиялаштириш муҳим аҳамият касб этади. Сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштиришни уч қисмга бўлиш мумкин.

Биринчиси, сиёсий партияларнинг уставида назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш билан боғлиқ. Бу қуйидагича амалга оширилади. Партия сайлов якунлари бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партия фракциясини тузиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларини олган бўлса, ўзининг уставида назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Шунингдек, партиянинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг йиллик ҳажми шу маблағларни ажратиш мўлжалланаётган йилдан олдинги йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг икки фоизини Қонунчилик палатасига ўтказилган охирги сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган фуқаролар сонига кўпайтмаси миқдорида шакллантирилади.

Иккинчиси, партиянинг Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига сайловда иштирок этишини давлат томонидан молиялаштириш билан боғлиқдир. Партиянинг Қонунчилик палатасига сайловда қатнашишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағлари шу партиядан Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олингандан кейин рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда сиёсий партиянинг ҳисоб-китоб варағига белгиланган тартибда ўтказилади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, партияларнинг Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига сайловда иштирок этишини молиялаштириш белгиланган тартибда фақат ана шу мақсадлар учун ажратиладиган давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ҳамда партияларни сайловда бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштириш ва моддий жиҳатдан ўзгача тарзда қўллаб-қувватлаш қонун билан тақиқланади.

Қонунчилик палатасига сайловда сиёсий партияларнинг иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари сиёсий партия томонидан сайловолди кўргазмали ташвиқот воситаларини нашр қилишга, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг телевидение, радио орқали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишлари, сайловчилар билан учрашувлари, уларнинг ишончли вакиллари ва бевосита сайлов округида сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил этиш ҳамда сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий тадбирларга сарфланади.

Учинчиси, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларининг фаолиятини давлат томонидан молиялаштиришни қамраб олади. Бунда фракцияларнинг фаолиятини ташкилий, техникавий жиҳатдан ва бошқа тарзда таъминлаш учун ажратиладиган давлат маблағлари Қонунчилик палатасининг харажатлар сметасида назарда тутилади.

Сиёсий партияларни молиялаштириш манбаларидан яна бири бу партияларга бериладиган хайрия ёрдамидир. Қонунга кўра, партия хайрия ёрдамини фақат Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари (чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар бундан мустасно) ва фуқароларидан пул шаклида ҳамда мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тарзида ва фақат уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун олиш ҳуқуқига эга.

Қонунда партияларга хайрия ёрдами беришда маълум бир чеклашлар мавжуд. Хусусан, партияларга чет давлатлар, чет давлатларнинг юридик шахслари, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, халқаро ташкилотлар, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслардан пул маблағлари шаклидаги, мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тариқасидаги хайрия ёрдами берилишига йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, диний ташкилотлар ва номи яширилган ёки фақат тахаллуси кўрсатилган шахслар томонидан сиёсий партияларга пул маблағлари шаклида, мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тарзида хайрия ёрдами берилишига ҳам йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларини олиш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаш мақсадида 2005 йил 16 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори қабул қилинган. Мазкур қарор билан қонунда белгиланган нормаларнинг механизми кенгроқ очиб берилган.

Юртимизда ушбу соҳада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар партиялар фаолиятини молиялаштиришнинг давлат кафолатларини яратиб, уларнинг барқарор иқтисодий манбалари белгиланишига олиб келди. Халқаро андозаларга жавоб берадиган бундай амалиёт партияларнинг дастурий фаолияти самарадорлиги ошишида, улар ўртасидаги соғлом рақобат муҳити ривожланишида янги имкониятлар очиб берди.

**Давронбек ОЛИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Улар ҳуқуқ ва эркинликларни теран ҳис этиб, бундан оқилона фойдаланган ҳолда, юртдошларимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга муносиб улуш қўшишга интилаяптилар. Опа-сингилларимиз юртимиз хонадонларида қут-барака бўлиши, катталарнинг завқ билан меҳнат қилиши, фарзандларимизнинг эса пухта билим олиши, касб-ҳунар ўрганиши учун кенг имкониятлар яратилиши, мамлакатимиз кундан-кун гуллаб-яшнаб, келажагимиз порлоқ бўлишини истайдилар. Улар ҳамда маънавий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган Давлат дастури бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва тўлиқ амалга оширилди. Бундай амалий ишлар “Соғлом авлод йили” (2000 йил), “Оналар ва болалар йили” (2001 йил), “Қарияларни қадрлаш йили” (2002 йил), “Сиҳат-саломатлик йили” (2005 йил), “Ёшлар йили” (2008 йил), “Баркамол авлод йили” (2010 йил), “Соғлом бола йили” (2014 йил) каби Давлат дастурлари доирасида ҳам изчил давом эттирилди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ликларида ҳам жорий қилинди.

Жамиятда аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини илгари суриш, уларнинг ўз имконият ҳамда салоҳиятини намоён қилиши учун қулай шароит яратишда юртимизда фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. 2016 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, бундай ННТлар сони 295 тадан иборат. Уларнинг аксарияти Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият олиб боради.

Ўзбекистон Хотин-қизлар

# Хотин-қизлар фаоллиги — жамият ривожининг муҳим омили

сайлов участкаларига муҳим сиёсий тадбирда шунчаки иштирок этиш учун эмас, балки ана шундай қатъий мақсад ҳамда тўлиқ ишонч билан келишади. Хотин-қизларимиз навқирон юртимиз олдидаги мақсад-вазифаларни теран англайдилар. Зеро, Ўзбекистонда ҳар бир фуқаронинг хоҳ иқтисодий-ижтимоий, хоҳ сиёсий соҳада бўлсин, тўлақонли фаолият олиб боришига доир ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган. Тиббий ҳамда маънавий эҳтиёжларини таъминлаши учун барча зарур шароит мавжуд.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётимизда уларнинг тўлақонли иштирокини таъминлашга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Жамиятдаги роли ва мавқеини ошириш бўйича миллий дастурлар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилмоқда. Демократик ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришда хотин-қизларнинг тенг иштирокини таъминловчи тегишли меъёрий-ҳуқуқий база яратилган ва у йилдан-йилга такомиллаштириб борилаяпти. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси барча фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглигини кафолатлайди. Бундан ташқари, аёллар ҳамда эркакларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги Фуқаролик, Оила ва Меҳнат кодексларида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида бир қатор халқаро ҳужжатлар, хусусан, Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб 1979 йил 18 декабрда Нью-Йоркда қабул қилинган Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияга қўшилди. Ушбу соҳада амалга оширилган ишларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон аъзо бўлган Ишнинг давом этиш муддатини ҳафтасига қирқ соатгача қисқартириш тўғрисидаги, Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенциялар, Вена декларацияси (1993 йил), 1995 йилги Пекин декларацияси ва Ҳаракат платформаси ҳамда бошқа халқаро ҳамда миллий ҳуқуқий ҳужжатларни келтириб ўтиш мумкин.

Мамлакатимизда 1999 йил “Аёллар йили” деб эълон қилиниб, опа-сингилларимизнинг оила, давлат ва жамият бошқарувидаги ролини юксалтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий ташаббуси билан 2016 йил юртимизда “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниб, шу асосда ишлаб чиқилган Давлат дастурида хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга доир вазифалар асосий ўринни эгаллади. Аҳоли барча қатламини қамраб олган кенг кўламли лойиҳаларга хотин-қизларнинг саломатлигини яхшилаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ғоялари сингдирилди.

Бундан ташқари, Биринчи Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги “2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги қарори ижроси таъминланмоқда. Шу билан бирга, республикамизда аёлларнинг таълим олиши ва малакасини ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Бугун Ўзбекистондаги олий ёки ўрта махсус маълумотга эга ҳар икки мутахассисдан бири — хотин-қизлар вакилидир.

Кейинги йилларда чекка туманларда яшовчи хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, тадбиркор аёллар сафи кенгайди. Бунда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг кўмаги беқиёс. Жумладан, қўмита опа-сингилларимизга жамиятда ўз ўрнини топиши, иқтидору маҳоратини кенг намоён этиши, бизнес билан шуғулланиши ҳамда бунинг учун имтиёзли кредитлар олишида амалий ёрдам кўрсатаяпти.

Бинобарин, хотин-қизларни давлатимиз ижтимоий-иқтисодий ва маданий равнақига доир масалалар ечимига кенг жалб этиш, оила, оналик ҳамда боликни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, мазкур йўналишларда вазирликлар, ташкилотлар, ҳудудий бошқарувнинг бошқа органлари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида янги — Бош вазирнинг ўринбосари — Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозими таъсис этилди. Ўз навбатида, тегишли лавозимлар барча вилоят, туман ва шаҳар ҳокимқўмитаси раиси ўринбосари Г. Маруфованинг таъкидлашича, ҳозирги кунга келиб, аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини илгари суриш ҳамда ривожлантириш бўйича миллий механизмлар, шунингдек, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча қатламидаги ролини кучайтириш бўйича миллий институтлар ташкил этилган. Бунинг тасдиғини аёлларнинг сиёсий партиялардаги фаоллиги 36 фоиздан 50 фоизгача ошганида кузатишимиз мумкин. Жумладан, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидаги аёлларнинг умумий улуши 40 фоиздан 46 фоизга, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясида 35 фоиздан 37,3 фоизга, Ўзбекистон Халқ демократик партиясида 41 фоиздан 48 фоизга, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясида эса 38 фоиздан 51 фоизгача ортган.

Яна бир мисол: 2014 йилги сайловлар жараёнида сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодларнинг 30 фоизидан кам бўлмаган қисмини аёллар ташкил этди. Чунончи, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайловларда 24 (16 фоиз) нафар аёл сайланди. Уларнинг 9 нафари фан номзоди, 7 нафари ҳуқуқшуносдир. Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 17 фоизи аёллардан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ҳамда вилоятлар Кенгашлари депутатлари орасида опа-сингилларимиз улуши 23,5 фоизга, туман ва шаҳар Кенгашларида эса 22 фоизгача етди.

Жорий йил 4 декабрда ўтказиладиган сайлов жараёнига тўхталадиган бўлсак, тақдим этилган тавсиялар асосида Марказий сайлов комиссияси 14 та округ сайлов комиссияси шахсий таркибини тасдиқлади. Улар жамиятимизнинг 154 нафар обрўли вакилидир. Округ сайлов комиссиялари таркибининг 36,8 фоизини аёллар ташкил этади. Уларнинг 7 нафари комиссия раиси ўринбосари, шунингдек, 5 нафари комиссия котиби сифатида белгиланган.

Албатта, юртимизда фидокорона меҳнат, эзгу интилиш ҳамда изланишлар юксак эътибор ва рағбатга муносиб кўрилади. Буни ўтган йиллар давомида 15 нафар аёл давлатимизнинг энг юксак мукофоти — “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан тақдирланганини ҳам яққол тасдиқлайди.

**Салим ДОНИЁРОВ,**
**Гулрухсор ҲОТАМОВА,**
**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳалари раҳбарлари.**

# Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси ўз ишини давом эттирмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш доирасида бажарилаётган ишлар хусусида сўз борди.

Учрашувларда жорий сайлов кампанияси Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар янада чуқурлашган, парламент ҳамда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги роли сезиларли даражада мустаҳкамланган, аҳолининг сиёсий ҳамда иқтисодий фаоллиги юксалган бир шароитда ўтказилаётгани қайд этилди. Кенг миқёсли ўзгаришлар мақсади дунёвий ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришдир.

Мустақил тараққиётимизнинг илк йиллариданоқ олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлашга қаратилган. Мамлакатимизда тўпланган тажриба, қолаверса, умумэътироф этилган халқаро демократик стандартлар, илғор хориж тажрибасини ўрганиш асосида самарали сайлов қонунчилиги шакллантирилди. Сайловлар умумий, тенг ҳамда тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан, очиқ ва ошкоралик сингари бош тамойилларга қатъий риоя этилган ҳолда ўтказилиши мустаҳкамлаб қўйилди. Сайловга оид қонун ҳужжатлари изчил такомиллаштириб борилмоқда. Бунда халқаро кузатувчилар фаолияти муҳим аҳамият касб этаётир. Сайлов кампанияси жараёнида уларнинг фаолияти учун барча шароит яратилади, халқаро кузатувчиларнинг тавсиялари эса ҳуқуқий қоида ва амалиётни такомиллаштиришда инобатга олинади.

ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси экспертлари жорий йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг норматив-ҳуқуқий асослари ҳамда амалиётини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларга ижобий баҳо берди. Хусусан, 2015 йилда сайлов қонунчилигига киритилган қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкалари тузилиши ҳамда сиёсий партиялар томонидан тақдим этиладиган имзо варақалари республика жами сайловчилари умумий сонининг камида беш фоизидан бир фоизига камайтирилгани ҳақида қоидалар аҳамияти қайд этилди. Марказий сайлов комиссияси томонидан Сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури қабул қилинди. Унда сайлов қонунчилигини тушунтириш билан бирга, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини эркин амалга оширишларига тўсқинлик қилиш ҳолатлари мониторинги ҳамда уларнинг олдини тезкорлик билан олиш чораларини кўриш сингари тадбирлар ўрин олган. Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси экспертлари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фуқароларнинг иштироки масалалари бўйича Омбудсман “Ишонч телефони” йўлга қўйилгани аҳамиятини таъкидлашди. У сайловдан бир кун олдин ва овоз бериш куни 24 соат давомида ишлайди.

— Омбудсман ҳамда ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг вазифалари ўзаро чамбарчас боғлиқ, яъни ҳар икки институтнинг мақсади инсон ҳуқуқларини таъминлашдир, — деди А. Шлик. — Ушбу институт билан доимий мулоқот олиб бориш биз учун муҳимдир. “Ишонч телефони” тажрибаси ҳамда унинг натижалари бизнинг эътиборимизни тортди. Чунки унинг 24 соат давомида ишлаши фуқаролар мурожаати учун қулай ва осон усулдир.

Учрашувларда, шунингдек, Президент сайловига тайёргарлик жараёнида сайлов комиссиялари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани кўрсатиб ўтилди. Ушбу мақсадларда сайлов кампаниясининг дастлабки босқичидаёқ Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, ЎзА, “Жаҳон”, “Uzreport” ахборот агентликлари, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан икки томонлама битимлари имзоланди. Улар бугунги кунда сайлов жараёнини Марказий сайлов комиссияси билан биргаликда ишлаб чиқилган медиа-дастур асосида фаол ёритиб бормоқда, чуқур таҳлилий материаллар, сайловчилар ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича кўрсатувлар тайёрланаяпти.

— Биз самимий қабул учун миннатдормиз, — деди А. Шлик. — Ташрифимиздан мақсад мамлакат Президенти сайловига тайёргарлик жараёнини баҳолашдир. Амалдаги қонунчилик таҳлил қилинади, ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг олдинги сайловлар натижалари бўйича берган тавсияларини бажариш юзасидан олиб борилган ишлар ўрганилади.

**Қобил ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ИНТИЛИШ**

*Қизилтепа туманида “Обиддин” фермер хўжалиги томонидан “Сокин диёр” хизмат кўрсатиш мажмуаси фойдаланишга топширилди. Ушбу лойиҳа рўёбга чиқарилгач, 20 нафар йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.*

## Эзгу ташаббус меваси

— Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги бундай эзгу ташаббуслар натижасида қишлоқлар аҳолиси турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга эришилмоқда, — дейди ушбу мажмуа иш юритувчиси Санақул Сайфиев. — Саъй-ҳаракатларимиз ҳамда тижорат банки томонидан ажратилган 300 миллион сўмлик кредит маблағлари эвазига мазкур маскан аҳолига намунали хизмат кўрсата бошлади.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОН

**СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан, эгалигида солиқ солинадиган мол-мулки ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ҳамда ер солиқларини тўлаш муддати ҳисобот йилининг 15 октябригача этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.

**Шундай экан, мол-мулк ва ер солиқларини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 73 045 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5 6